Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 281 (4976).
14 ДЕКАБРЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугунги газеталарда

⊙ Партия тарихи фанини ривожлантиришга, марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга катта ҳисса қўшганлиги учун ва 60 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

⊙ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия тарихи фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги, актив жамоат фаолияти учун ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг 60 йиллиги муносабати билан катта илмий ходим Иброҳим Абдуғаффорович **Алимов**га, директорнинг фан билан шуғулланувчи ўринбосари Валентина Георгиевна **Чеботарева**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

Институт ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг матбуот бюроси хабар қилади

АДАБИЙ МУКОФОТЛАРНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениелари секретариатларининг қўшма йиғилишида 1982 йилги адабий мукофотларни бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг болалар ва ўсмирлар учун яратилган асарларга белгиланган Ғафур Ғулом номидаги мукофотни ўзбек адабиётининг таниқли вакилларидан бири— Қуддус Муҳаммадийга берилди.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» қиссаси учун республика Ёзувчилар союзининг Ойбек номидаги мукофоти билан тақдирланди.

Таниқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов ижодий ютуқлари учун Ҳамид Олимжон номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Машҳур совет шоираси Рима Казакова ўзбек шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилишдаги самарали фаолияти учун Сергей Бородин номидаги мукофот лауреати бўлди.

60 ЙИЛ ҚҚАССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ОСТИДА

ТОШКЕНТДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ

1982 йил 13 декабрь. А. Навоий номли Давлат академик катта театри. Қорақалпоғистон АССР маданияти кунларининг тантанали ёпилиши.

С. Маҳкамов ва **Т. Каримов** фотоси.

Автоном республика адабиёти ва санъати усталари Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси билан меҳмонларига қорақалпоқ халқи қўлга киритган зафарлар тўғрисида, совет кишилари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва тинч бунёдкорлик меҳнати бахти тўғрисида таъсирчан ҳикоя қилиб бердилар. 13 декабрь куни Тошкентда ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон маданияти кунлари тугади. Бу байрам ижодий учрашувлар, адабий кечалар, концертлар ва виставкаларга бой бўлди. Бундай ижодий учрашувлар ва бошқа тадбирлар Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналари, цехлари ва клубларида, энг яхши концерт ва виставка залларида ҳамда студентлар аудиторияларида ўтказилди.

Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида маданият кунларининг тантанали ёпилишига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Бу ерга автоном республиканинг намояндалари, шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари тўпландилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев кечани кириш сўзи билан очди.

Кечада Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов нутқ сўзлади. Автоном Республиканинг маданият соҳасида эришган ютуқлари ажойиб байрам — ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида намойиш қилинаётганлиги ғоят рамзий маъно касб этди,—деб таъкидлади у. — Улуғ Октябрнинг ғалабаси, Ленин даҳоси, Коммунистик партия кенг қўламда назарий, сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб борганлиги мамлакатимиз барча миллат ва элатларининг асрий орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган СССР бузилмас Иттифоқини вужудга келтирди. Улар қўлни-қўлга бериб, рус халқининг қудратли мададини ҳис этган ҳолда коммунистик қурилишнинг ёрқин йўлидан бормоқдалар. Барча совет кишилари сингари Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш учун ҳозирги пайтда ўзларининг бутун куч, билим ва ғайратини сафарбар этмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Юрий Владимирович Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларни келгусидаги ишлар учун жанговар программа деб қабул қилдилар.

Шонли юбилейни нишонлаш юзасидан Ўзбекистон ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланганлиги туфайли бутун республика меҳнаткашлари каби Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ҳам ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Ана шу катта муваффақиятда автоном республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари меҳнатининг улуши ҳам бор.

Маданият кунлари унинг барча қатнашчилари учун катта байрам ва ажойиб маҳорат мактаби бўлди. Меҳнаткашлар билан учрашувларда, республика ижодий союзларида бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида, виставкаларда билдирилган фикрлар, истаклар ва берилган маслаҳатлар Қорақалпоғистон маданиятини янада ривожлантиришга, унинг ғоявий-бадиий ва эстетик савиясини оширишга, адабиёт ва санъат арбоблари маҳоратини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Кечада Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Тошкент область Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси М. Исоқова, Қорақалпоғистон АССР халқ шоири И. Юсупов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти директори И. Х. Ҳамробоев, Нукус уйсозлик комбинатининг бўёқчиси А. А. Лепилина, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати шоира Ҳ. Худойбердиева сўзга чиқдилар. Улар Тошкентда ўтказилган Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари Улуғ Октябрь қуёши остида чинакам эркинликка эришган халқ қўлга киритган ютуқларнинг ёрқин кўриги бўлганлиги, Ўзбекистон пойтахти ҳаётидаги муҳим воқеага айланганлиги, бу совет халқлари бузилмас бирлигининг, уларнинг муштарак ишлари ва муддаоларининг улкан байрами бўлганлиги тўғрисида гапирдилар.

Нотиқлар Қорақалпоғистоннинг ўзига хос маданияти билан танишув кўп минглаб томошабинлар ва тингловчилар қалбида зўр тассурот уйғотганлигини айтдилар. Автоном республика ёзувчилари, композиторлари, рассомларининг асарлари, ижрочиларининг юксак профессионал маҳорати омма ўртасида кенг шуҳрат қозонди, кўп миллатли улуғ совет маданиятининг ажралмас қисмига айланди. Тошкентда тақдим этилган янги китоблар, бадиий полотнолар, музика асарларининг кўпчилигини уларнинг муаллифлари Советлар мамлакатининг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаганликлари диққатга сазовордир. Бу асарларда Совет ҳокимияти йилларида халқ босиб ўтган жуда катта йўл тўғрисида, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга, СССР Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга ўзининг катта ҳиссасини қўшаётган Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг шонли ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бу галги байрам, деб таъкидланди кечада, совет қардош халқлари миллий маданиятларининг ўзаро бойиши ва уларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири жараёнига кўмаклашди. Байрам барча совет маданият арбобларининг улар қайси тилда ижод қилмасинлар ҳамиша халқ орасида бўлиш, унинг қизиқишлари ва ишларидан яқиндан хабардор бўлиш, давримизга, янги жамият қурувчилари зафарларига муносиб асарлар яратишга бўлган қатъий муддаоларини яна бир марта тасдиқлади. Қорақалпоғистонлик адиблар, рассомлар, композиторлар ва артистларнинг асарлари жаҳонга коммунизмнинг порлоқ ғояларини тарғиб қилаётган бутун мамлакатимиз маданияти билан ҳамоҳанг яратилмоқда. Мамлакатимиз маданияти инсонпарварликни қарор топтирмоқда, планетада тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстлик учун актив курашмоқда.

Қорақалпоғистон АССР вакиллари — маданият кунларининг қатнашчиларига эрдалик совға — Ўзбекистон халқ рассом Н. Қўзибоевнинг «Ўзбекистонда баҳор» картинаси туҳфа қилиб берилди.

Тантанали кеча охирида Қорақалпоғистон санъат усталари концерт қўйиб бердилар.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси А. А. Крикоров қўшимча биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолликка кандидатлари Е. А. Айтмуродов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДАН

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми, ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети VII сессиясининг қарорлари КПСС XXVI съезди томонидан қўйилган энг муҳим социал вазифалардан ҳисобланувчи совет кишиси ҳақидаги, унинг меҳнат ва маиший шароитлари, маънавий камол топиши тўғрисидаги ғамхўрликни яна бир бор тасдиқлади. Уларда совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврдаги якунлари чуқур ва атрофлича таҳлил этилди, партия, совет ва хўжалик органларининг социалистик экономикани янада ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалари ғоят аниқ таърифлаб берилди, уларни амалга ошириш йўллари ва воситалари белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясида республика иқтисодий потенциалини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган конкрет вазифалар қўйилди.

Кеча ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг III сессияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар Совети ижроия комитетининг 1982 йилдаги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми талаблари асосида шаҳарни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилишини таъминлаш бўйича вазифалар муҳокама этилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О.Козимов доклад қилди.

Докладчи кўрсатиб ўтганидек, Тошкент ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришилганлиги, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини муваффақиятли бажарганлиги учун ғолиб деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бу мукофот меҳнат активлигини янада жўш урдирмоқда. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олдирилиб, маҳсулотнинг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик план муддатидан илгари, 25 ноябрда бажарилди.

Саноатда ишлаб турган қувватларни реконструкция қилиш ва техникавий қайта қуроллантириш, илмий-техника тараққиётини белгилаб берувчи саноатнинг янги тармоқларини яратиш бўйича катта программа амалга оширилмоқда. Ҳозиргина ўзида трактор заводи, «Средазкабель» бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси, 1-ун заводи ва бошқаларда қўшимча қувватлар ишга туширилди. «Таштекстильмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, «Ўзбитхимпласт» бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва синтетик ювиш воситалари заводларида ана шундай ишлар олиб бориляпти. Саноатда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, машиналар, жиҳозлар, приборлар, истеъмол буюмлари янги турларини ўзлаштиришга, уларнинг сифатини яхшилашга катта эътибор қаратиляпти. Шу йилнинг фақат ўн бир ойида 750 турдан ортиқ янги буюмлар, шу жумладан 630 хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарish ўзлаштирилди. Олий категориядаги маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 13 процент кўпайди.

Шаҳар саноатида кўплаб ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари меҳнат қилишяпти. Ундан ортиқ корхона, 1200 бригада, 25 минг нафар ишчи ҳозирнинг ўзида 1983 йил ҳисобига ишлаяпти. ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа байроқдорлари орасида шаҳар ва район Советларининг депутатлари ҳам оз эмас.

Эришилган ютуқларни кўрсатиб ўтиш билан бир пайтда, В. О. Козимов таъкидладики, ҳали саноатда барча резервлар ишга туширилган эмас ва улардан самарали фойдаланилмаяпти. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Вторчермет» область бошқармаси, тўқимачилик комбинати, «Учқун» бирлашмаси ва химия-фармацевтика заводи реализация бўйича ўн бир ойлик планни бажара олишмади ва 9 миллион сўмлик маҳсулотни беришмади. Киров, Сергели, Фрунзе, Ленин район Советларининг ижроия комитетлари планларнинг бажарилишига ҳалақит берувчи камчиликларни бартараф этиш юзасидан етарли даражада чоралар кўришмади, бир маромдаги ишни ташкил этишда хўжалик раҳбарларига ўз вақтида ёрдам кўрсатишмади. Учта корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажара олмади. Ўн бир ойлик якунларига кўра 16 та корхона халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планини бажармади. Улар умумий суммаси 7 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот беришмади. Бу корхоналар орасида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Сергели районидаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўн-мўйна заводи ва бошқалар бор. Шаҳар аҳолисининг тикувчилик буюмлари, маданий-маиший ва хўжалик буюмлари, болалар ассортименти — пионерлар формаси, пайпоқлар, колготкалар ва бошқа буюмларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Маҳаллий, мебель, ёғочга ишлов бериш саноати корхоналари савдо эҳтиёжларига бепарволик билан қарашяпти. Ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларининг сифати пастлиги юзасидан ҳамон кўплаб шикоятлар тушаяпти. Вазифа саноат корхоналарининг планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш, иш суръатларини жадаллаштириш, халқ истеъмол буюмлари сифатини анча ошириш борасида аниқ ишлашга ҳалақит берувчи нуқсонларни энг қисқа муддатларда бартараф этишдан иборат.

Капитал қурилишдаги аҳвол ҳақида сўз борар экан, докладчи таъкидладики, Киров, Фрунзе, Ҳамза, Октябрь ва бошқа районларда бу йил уй-жой қурилиши юқори суръатлар билан олиб бориляпти. Тўқимачилик комбинати ишчилари учун «Бошлиқ» турар жой массиви, трактор, «Ташсельмаш» заводлари, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг турар жой массивлари қурилиши давом эттириляпти.

Бу йил 11,3 минг ўқувчи ўринли мактаблар фойдаланишга топширилди, мактабгача болалар муассасаларини ишга тушириш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Акмал Икромов ва Ленин районларида «Универсам», Халқлар дўстлиги кўчасида «Космос» магазинлари, Ивлев кўчасида озиқ-овқат магазини фойдаланишга топширилди .Умумий овқатланиш корхоналари тармоғи етти минг ўринга, шу жумладан саноат корхоналарида 2300 ўринга кўпайди. Акмал Икромов ва Куйбишев районларида ҳар бири юз ўринли колхоз бозорлари филиаллари қурилиши ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда капитал қурилишдаги аҳволни ҳозирча қониқарли деб бўлмайди. Шаҳарнинг қурилиш ва монтаж ташкилотлари уй-жой, савдо, соғлиқни сақлаш, алоқа, коммунал хўжалик объектларини умуман бир маромда фойдаланишга топширишга ҳали эришганлари йўқ.

«Главташкентстрой»нинг 4, 8, 159-қурилиш трестлари, 2, 4-уйсозлик комбинатлари, махсус монтаж ишлари қурилиш министрлигининг айрим бўлинмалари объектларни фойдаланишга топшириш нормативи муддатларини қўпол равишда бузишяпти. Маҳаллий Советларга қарашли қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини назар-писанд қилишмаяпти. Бу ўз навбатида турар жой массивлари комплекс қурилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатяпти ва аҳолининг ҳаққоний шикоятига сабаб бўляпти. Ҳозирги бош вазифа, объектлар қурилиши ва топширилиши графигига қатъий риоя этилиши, капитал маблағлар тўла ўзлаштирилиши ва асосий фондлар тўла ишга туширилишига эришишдан, иш сифатини замон талабларига мувофиқ оширишдан иборат.

Шаҳарда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш даражасини ошириш муҳим масала бўлиб қоляпти. Бу йил ҳаракатдаги составни линияга чиқариш бир мунча ўсди, ҳаракат мунтазамлиги ўсди. Саккизта янги автобус маршрути, ўнта маршрутли такси линияси очилди, 32 та автобус ва ўнта трамвай-троллейбус маршрути узайтирилди, Чилонзор, Студентлар шаҳарчаси, Қорақамиш, Юнусобод, Бирлик, Сергели массивлари аҳолисининг метрополитен линияларига бир транспортда етиб олиши таъминланди. Шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида шаҳар Совети ижроия комитети эрталабки ва кечқурунги йўловчилар оқими кўпайган пайтларда аҳолини ташишга муассасаларга қарашли ва буюртма автобусларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозир пассажирларни ташишда муассасаларга қарашли 300 тадан ортиқ ва 200 тага яқин буюртма автобуслар қатнашяпти.

Бироқ, шаҳар пассажир транспортининг иши ҳозирча шаҳарликларга тўла-тўкис транспорт хизмати кўрсатилишини таъминлаяпти. Шу боисдан ҳам шаҳар пассажир транспорти ишини такомиллаштириш масалаларига эътибор кучайтирилиши даркор.

АТСларни ишга тушириш бўйича шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси ва капитал қурилиш Бош бошқармаси, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси ва «Союзпечать» шаҳар дирекцияси, ишнинг форма ва методларини такомиллаштириш бўйича савдо Бош бошқармаси, умумий овқатланиш Бош бошқармаси ва «Ташплодоовощ» бирлашмаси катта вазифаларни ҳал этишлари лозим бўлади.

Докладчи ва сессияда сўзга чиққан депутатлар — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари О. С. Расулов, Ленин район Совети ижроия комитетининг раиси Т. Ҳ. Ҳайдаров, Тошкент трактор заводи партия комитети секретари Х. Н. Шагиев, 11-«Висотстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг монтажчиси В. А. Харитонов ва бошқалар КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми, СССР Олий Советининг VII сессияси томонидан халқ хўжалиги олдига қўйилган муҳим вазифаларни назарда тутиб, фойдаланилмаётган резервлар ҳақида гапириб, шаҳар хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

Сессияда таъкидландики, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, доимий комиссияларининг барча депутатларининг бурчи ташкилий ишнинг услуб ва методларини кун сайин такомиллаштиришдан, планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ҳар жиҳатдан таъминлашдан, шаҳар хўжалигининг кўп қиррали барча тармоқларини ривожлантиришда янада юксакроқ марраларга эришишдан, Тошкент аҳолисининг фаровонлигини оширишдан иборат.

Сессияда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси Ш. М. Ҳожимуродов Тошкентни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани тўғрисида ва шаҳарни 1982 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани бажарилишининг бориши ҳақида доклад қилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бўлимининг мудири С. С. Бузрукхўжаев Тошкентнинг 1983 йилги бюджети ва 1981 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида доклад қилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети планбюджет комиссиясининг раиси А А. Крикоров қўшимча доклад қилди.

Сессия шаҳарни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планини, Тошкент шаҳрининг даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 1983 йилги бюджетини ва 1981 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессиясида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ, 19 кишидан иборат энергетика бўйича доимий комиссиясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Энергетика бўйича доимий комиссия раиси этиб Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари, депутат А. И. Фозилбеков сайланди.

Шунингдек Тошкент шаҳар Совети доимий комиссиялари составидаги ўзгаришлар, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети составини қисман ўзгартириш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИ

СССР 60 ЙИЛ

Мўъжизакор куч

Чўлларида сунъий дарёларнинг зангори чизиқлари кесиб ўтган Туркманистон мамлакатимиз картасида меҳнаткаш инсоннинг бақувват, қадоқли қўлларига ўхшаб кетади.

Бунинг рамзий маъноси бордир. Чўлни бўстонга айлантирган, қумтепалар узра юксак волтли линиялар ўтказган, газ оқимини қувурга олган, янги шаҳарлар ва посёлкаларни кўтарган ҳам шу ишчи қўлларидир.

Туркманнинг қўли ҳамма замонларда меҳнат қила билган. Лекин бойлар билан ҳисоб-китоб қилганидан сўнг қашшоқлигича қолаверган, чунки одам уларсиз яшай билмайдиган энг муҳим омиллар — ер билан сув шу бойларники бўлган. Советлар Ҳокимиятигина меҳнат аҳлини илк бор ўз мамлакатининг, ўз тақдирининг, кучли — бақувват қўлларининг эгаси қилди. Советлар Ҳокимияти одамларга яна бир буюк эзгулик — қабилавий ва миллий адоватларни тоабад унутиб, аҳил яшаш имкониятини ҳам эҳсон этди. Дўст бўлиб қовуштирилган қўллардан мустаҳкамроқ ва пухтароқ куч бўлмаса керак. Совет Туркманистони нима билан шуҳрат қозонган бўлса, шуларнинг ҳаммасини мана шу мўъжизакор куч яратган.

Менинг ўлкамда: «гиламингни ёзиб кўрсатсанг, қалбинг қандай эканлигини айтиб бераман» деган нақл бор. Бугун мен газетхонларни республикамиз бўйлаб саёҳат қилишга таклиф этар эканман, замондошларимизнинг ишлари ва зафарларидан тўқилган гилам гулларига диққат билан зеҳн солишингизни хоҳлар эдим. Социализмнинг энг муҳим ғалабаси — халқларнинг бузилмас дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдамларининг кишн кўз ўнгидаги ифодаси мана шулардадир. Ленинчи коммунистлар партиясига, тарихда ҳали кўрилмаган шу муносабатларнинг ижодкорига миннатдорчилик халқим қалбида тоабад қолажак.

Товшан ЭСЕНОВА,
Туркманистон халқ ёзувчиси.

ДЎСТЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

М. Ғ. ҒАПУРОВ,
Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Улуғ байрам — КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси бўлиб қолган СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида совет халқлари ўзларини бир оила қилиб жипслаштирган бузилмас иттифоқнинг ҳаётбахш кучини айниқса яққол ҳис этмоқдалар.

Туркманистоннинг ажойиб шоири Махтумқули ҳозирги кунларимиздан икки аср илгариёқ қардошлик одат, дўстлик — қонун бўлиб қоладиган замон тўғрисида орзу қилганди. Шу бахтиёр замон Улуғ Октябрнинг ғалабаси билан бошланди. Совет кишилари учун қардошлик кундалик одат бўлиб қолди, улар дўстлик қонуни билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Кўп миллатли давлатимизнинг енгилмас куч манбаи, унинг барча ғалаба ва зафарларининг пухта негизи мана шундадир.

Советлар ҳокимияти дастлабки қадамларидан бошлабоқ Ленин партиясининг хоҳиш-иродасини бажара бориб, собиқ миллий чекка ўлкаларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини бартараф этиш, халқлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатиш қатъий ва изчил йўлини тутди ва бу халқлар 1922 йилда ихтиёрий равишда қудратли иттифоқ давлати бўлиб бирлашди ҳамда буюк рус халқининг беғараз ёрдамига таяниб ҳаётни социалистик қайта қуриш йўлига қатъий ўтди.

Советлар ҳокимияти йилларида қадимги Туркманистон диёрида қарор топган социалистик янгиликларни яққол акс эттирувчи рамзни топишни мақсад қилиб қўядиган бўлсак, бир вақтлар одам борса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Қорақум чўлида бунёд этилган ям-яшил воҳалар мана шу рамз бўла оларди. Бугунги кунда Совет Иттифоқининг энг катта чўли Қорақумда халқ оби ҳаёт деб атаган В. И. Ленин номидаги канални, қумтепалар орасида сунъий денгизларни, боғу бўстонлар билан қуршалган янги шаҳарлар ва посёлкаларни кўрамиз.

Мисли кўрилмаган қисқа тарихий вақт ичида қашшоқлик ва қолоқликдан социал иқтисодий ва маданий тараққиёт чўққилари сари олиб борувчи йўлни босиб ўтган Туркманистон ери шу тахлитда тикланди, яшнади.

Совет Туркманистони — нефть ва газ ўлкаси, энергетика ва химия, пахта ва қоракўл тери ўлкасидир. У Каспийдан Амударёгача чўзилиб кетган катта қурилиш майдонидир. Революцияга қадар иккитагина бир мунча йирик корхонаси бўлган (бир мунча деганимизнинг маъниси шуки, улардаги ишчилар сони нари борганда юз нафардан ортарди, холос) ва қарийб ҳамма нарса четдан ташиб келтириладиган республика бугунги кунда Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли шерик сифатида қатнашиб, мамлакатнинг миллий бойлигига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Советлар ҳокимиятининг олтмиш йили мобайнида республикада саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 75 марта кўпайди. Ўсиш катта бўлсада, Туркманистон индустриясида рўй берган структурали силжишлар ундан ҳам муҳимроқдир — техник тараққиёт суръатларини белгилаб берувчи саноат — нефть, газ қазиб чиқариш, химия, машинасозлик саноати унда етакчи тармоқлар бўлиб қолди. Машиналар ва нефть, натрий сульфат ва олтингугурт, машҳур туркман гиламлари ва бошқа хилма-хил маҳсулот қарийб элликта чет мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Туркманистонда замонавий энергетика базаси яратилган. Яқинда республикада энг катта — СССРнинг 50 йиллиги номли Мари ГРЭСининг биринчи навбати қуриб битказилди ва Мари — Қоракўл юксак волтли электр линияси фойдаланишга топширилди. Мураккаб табиий иқлимий шароитларда қурилган шу катта энергетика объектларининг Туркманистон ССР ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги аҳамияти муҳим.

Совет турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган мамлакатимиз миллат ва элатлари буюк ҳамжамияти барча аъзоларининг фаолият негизида дўстларнинг манфаатларини шундай ҳар томонлама назарда тутиш принципи, куч-ғайратларни кооперациялаш, қардошларча ўзаро ёрдам принципи ётади.

Масалан, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон меҳнаткашлари Туркманистон ССРда нефть ва газ саноатини яратишда ёрдам бердилар. Ҳозирги пайтда ҳам қардош республикалар Туркманистонга кончилик машина-ускуналари ва мутахассислар юбормоқда, кучли газ қувурларини ётқизишда, Амударё бўйидаги Чоржўй яқинида нефть химия комплексини қуришда ёрдам бермоқдалар. Туркманистоннинг бош ирригация магистрали — Қорақум канали мисолида ҳам хўжалик ҳаётини тобора интернационаллаштириб бериш яққол намоён бўлмоқда. Шу улкан қурилишга мамлакатимизнинг 250 тадан кўп шаҳари материаллар юбормоқда. Каналнинг республикамизга берган самаралари чакки бўлмади: канал зонасида ярим миллион гектар ер ўзлаштирилди ва бу ерда Туркманистон пахтасининг ярми, шу жумладан қарийб бутун ипак пахтаси етиштирилмоқда. Мелиорацияни ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш туфайли кейинги ўн йил ичида етиштирилган пахта қарийб икки баравар кўпайди.

Биз Туркманистон маданияти эришган даража билан ҳақли равишда фахрлана оламиз. Бугунги кунда киши тушуниб етолмайдиган битта ҳужжатдан цитата келтириб ўтмоқчиман. 1906 йилда «Вестник воспитания» журнали бундай деб ёзган эди: «Ўрта Осиёда кейинги юз йилда саводхонликнинг ўсиши 0,2 процент бўлди. Суръат шу тахлитда бўлса, бу ерда саводсизликни тугатиш учун 4600 йил керак бўлади». Уни қаранг-а, кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас — 46 аср-а! Аммо ҳаёт бу ҳисобларга ўз тузатишларини киритди. Ўрта Осиёдаги барча республикаларимиз сингари Туркманистон ҳам Советлар ҳокимиятининг ўттиз йили мобайнидаёқ аҳолисини ёппасига саводхон қила олди.

Республикада саккизта олий ўқув юрти, 35 махсус ўрта билим юрти, 1600 га яқин умумий таълим мактаблари ишлаб турибди. Республиканинг Туркманистон ССР Фанлар академияси бошчилигидаги илмий муассасалари кўпдан-кўп проблемалар юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Туркманистон адабиёти ва санъатининг усталари ўз халқи зафарларининг бадиий йилномасини яратмоқдалар, уларнинг энг яхши асарлари кўп миллатли совет маданиятининг хазинасига қўшилди, халқаро кўламда обрў-эътибор қозонди.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, анчагина ишлар қилинганлигини кўрамиз. Лекин олдимизда турган вазифалар бундан ҳам мураккаб ва масъулиятлироқдир. КПСС XXVI съездининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумининг ҳужжатларида олға сурилган талаблар даражасида бўлмоқ учун янада самаралироқ ишлашимиз, республиканинг экономикасини ҳамма бўғинларда тежамли қилишимиз лозим.

Бутун халқ хўжалиги даражасини белгилаб берувчи тармоқларни ривожлантиришга асосий аҳамият берилади. Беш йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажмини 21 процент кўпайтириш мўлжалланади. Мари ГРЭСИ ва Красноводск ТЭЦида янги қувватларни ишга тушириш натижасида қарийб икки баравар кўп электр энергияси ҳосил қилинади ва бу энергия кўпгина янги қурилишларга, шу жумладан Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводига, бошқа корхоналарга ҳаёт бағишлайди. Беш йилликда газ қазиб чиқариш кўпаяди, Қорақумда янги конлар вужудга келади. Пахта етиштириш кўпаяди.

Партия ўн биринчи беш йилликда Туркманистон меҳнаткашлари олдига қўйган катта кўламдаги вазифалар шубҳасиз ҳал этилади. Туркманистон меҳнаткашларининг совет давлати юбилейи шарафига зўр ғайрат билан меҳнат қилиши, социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйганлиги бунинг гаровидир. ССР Иттифоқи халқларининг замон синовларидан ўтган дўстлиги бунинг гаровидир.

ЯГОНА ОИЛАДА

☆ Бугунги Ашхобод. Навоий кўчасидаги янги микрорайон.

☆ Миришкор пахтакор Уғилсурой Мовламованинг меҳнат фаолияти Мари областидаги Полторацкий номли колхозда бошланган эди. Уғилсурой мана бир неча йиллардан бери область кўпминг-килограммчи теримчиларининг социалистик мусобақасида пешқадамлик қилиб келмоқда. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши ёш пахтакорга» нишони билан мукофотланган. Уғилсурой Мовламова республика Олий Советининг депутати сифатида катта жамоатчилик ишларини олиб бормоқда.

СУРАТДА: Туркманистон ССР Олий Советининг депутати Уғилсурой Мовламованинг қабулида.

☆ Дурди Байрамов Туркманистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган революционерларнинг портретлари, иккинчи жаҳон уруши йилларида совет халқи кўрсатган қаҳрамонликлар тасвирланган картиналарнинг авторидир. Унинг «Биринчилар», «Кураш», «Мангулик», «Фронтга ёрдам» картиналари машаққатли ва қаҳрамонона йилларнинг рамзи бўлиб қолган. Д. Байрамов Ленин комсомоли мукофотининг лауреати унвонига сазовор бўлган.

СУРАТДА: Дурди Байрамов ёш рассомлар билан ўз устахонасида.

☆ Республикада Красноводск — Боку денгиз паром йўлини дўстлик ва қардошлик трассаси деб аташади. Ана шу йўл орқали замонавий паромларда — дизель-электроходларда Туркманистон билан бошқа иттифоқдош республикалар ўртасида халқ хўжалиги юклари ташилади.

СУРАТДА: «Совет Туркманистони» пароми Красноводск денгиз портида.

К. Назаров, К. Муродов, Ю. Белозеров ва В. Зленко фотолари.

ЭЛЕКТР ДАРЁЛАРИ ОҚИБ КЕЛМОҚДА

Қумтепалар узра янги электр дарёлари оқа бошлади. Ишга туширилган юксак вольтли электр линияси олтинчи агрегати ишга тушган Мари ГЭСини Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг туташ энергетика линиясига боғлади. Шу улкан кўприк орқали қардош республикаларга ҳар куни 10 миллион киловатт-соатгача арзон электр энергия юборилмоқда.

— Мамлакатдан қарзимизни шу тахлитда қайтаряпмиз, — деди электр станциянинг директори С. Нуриев. — ГРЭСимизнинг биринчи навбатини қуришда барча иттифоқдош республикалардан 80 завод қатнашган эди. РСФСР дан турбиналар, Украинадан трансформаторлар, Белоруссиядан приборлар келтирилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон энг яхши монтажчиларни юбордилар. Кўп миллатли қурувчиларнинг аҳил коллективи қийинчиликларга қарши курашда камолга етиб борди. Қийинчиликлар эса оз эмасди.

Станция республиканинг жадал ривожланиб бораётган энергетикаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб берувчи база бўлиб қолди. Биринчи энергоблокни ишга туширишда ёрдам учун чақирилган мутахассислар асосий роль ўйнадилар. Бугунги кунда эса ГЭС коллективининг бешдан тўрт қисми станцияда тарбияланиб етишган кишилардир.

Беш йиллик охиригача Туркманистонда ҳосил қилинадиган электр энергиясини 1,8 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Мари ГРЭСини кенгайтириш ана шу маррага чиқишда кўп даражада ёрдам беради. Бу ерда иккинчи навбат қурилиши бошланади. Чўлда бунёд этилган улкан энергетика иншооти дадил куч-қувватга тўлишиб бормоқда.

Чўпонлар учун

Туркманистон Фанлар академияси ҳузуридаги «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари Қорақумдаги Черкезли деган жойда чўпонлар учун гелиошаҳарча қура бошладилар. Қуёш қишда чорвадорларнинг уйларини иситади, жазирама ёзда эса салқин қилади. Шўр сувли қудуқ ёнида қурилаётган сувни чучуклаштирувчи установка, ошхона, душхона, суви ёпиқ тарзда айланиб турадиган теплица қуёш энергияси билан ишлайди. Келажакда чўл шундай мустақил гелиокомплекслар воситасида ўзлаштириб борилади, деб ҳисоблайди «Қуёш» бирлашмасининг директори Р. Байрамов. Бундай комплекслар обод жойлардан узоқ вақт олисда бўладиган чорвадорларни энергия, сув, сабзавот билан таъминлаб туради. Қорақумда ўн биринчи беш йилликдаёқ юзлаб шундай шаҳарчалар пайдо бўлади.

ПАХТА ҲАҚИДА СЎЗ

Туркманистон ССРнинг Давлат гербида очилиб турган оппоқ пахта чаноқлари бор. Пахта — республиканинг асосий қишлоқ хўжалик экини, унинг шони, фахри, умумхалқ назаридаги экиндир. Ўтган пахта териш кампаниясининг якунларини чиқариш, шу йилги режалар билан ўртоқлашиш учун миришкор қўллари, тажриба ва билимлари шу бебаҳо бойликни яратаётган кишилар ТАСС мухбирларининг илтимосларига биноан даврага йиғилдилар.

О. ҚУЛИЕВА,
Тахта районидаги «Москва» колхозининг механизатори, Туркманистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати:

— Агар мени ҳозиргина трактор из қолдирган далага чиқаришса, бу ерда ким ишлаганлигини дарров айтиб бера оламан. Ҳар бир механизаторнинг иш услуби бор. Албатта мен машинани аниқ, чиройли юргизишга ҳаракат қиламан. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас: ҳунарни ўзим ёқтириб танлаганман, аминманки, бу ҳунар одамларга жуда зарур.

Трактор рулида ўнинчи кўкламни кутиб олаётган бўлсам, шуларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият билан келди. Бу йилгиси қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ. Хўжалигимизнинг механизаторлари ҳаво очиқ ҳар бир соатдан фойдаланиб, чигит экиладиган ерларни одатдагидан барвақт ҳайдаб бўлдилар. Ҳозир эса ер текислаб янгича — вахта методи билан ишламоқдалар. Текис парвариш қилинган далаларга назар ташлар эканман, бажарган ишимдан қувонаман!

Бу йил менинг учун машаққатли маҳорат имтиҳони бўлди. Республиканинг энг яхши механизаторларидан бири — Туркманқалъа районидаги «Коммунизм» колхозидан Кумуш Отаевани мусобақага чақирган эдим. У ўтган терим мавсумида 350 тоннадан кўп пахта терди, мен бўлсам, шу маррадан ўзиб кетишга қарор қилдим. Мусобақадошларим оз эмас, ҳозир республикада 43 минг механизатор бўлса, шулардан икки ярим мингги — қизлардир.

О. МОММАДОВ,
Мари районидаги Чкалов номли колхоз раиси.

— Бугунги кунда механизатор — қишлоқда асосий киши эканлиги шубҳасиздир. Ёшлар шу касбни севиб қолишлари муҳим иш ҳисобланади. Ҳар сафар қишлоқ ҳунар-техника билим юртларидан, мактаблардан колхозга янги механизаторлар келишганида ёшларнинг юзига тикиламану ерга бўлган меҳру-муҳаббатни уларга қандай сингдириш, ернинг тақдири учун масъулият ҳисларини қандай тарбиялаш тўғрисида ўйлайман. Пахта етиштирадиганлар тўғрисида қайғурмай муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Колхоз билан пахтакорнинг манфаатлари ҳамма жиҳатлардан бир-бирига мос келмоғи учун бултур республикада биринчилар қаторида бригада пудратига ва меҳнатга аккорд мукофот тарзида ҳақ тўлашга ўтдик. Натижада хўжалик ҳисобидаги коллективларда гектар бошига одатдагидан 10 центнер кўпроқ пахта териб олинди. Колхозчининг иш ҳақи уч баравар кўпайди, меҳнат сарфи камайди. Коллектив пировард натижа учун тўла масъулиятлидир.

Бу йил хўжаликнинг барча пахтакор коллективлари бригада пудратига ўтди. Ишга бундай ёндошиш ҳозироқ яхши натижалар бермоқда. Далаларни экиш олдидан суғориш жадал суръатлар билан бормоқда, колхоз устахоналарида машина-механизмлар ремонти тугади. Махсус ремонт бригадалари тузилган бўлиб, улар чигит экиш чоғида машина-ускуналарнинг носозликларини даланинг ўзидаёқ бартараф қиладилар.

О. АННАБОЕВ,
Гаур районидаги «Ленинизм ели» совхозининг бош агрономи.

— Бизда ҳосил ошириш резервлари оз эмас. Илм-фан ютуқларидан самарали фойдалана билиш менимча ана шулардан биридир. Олимлар бўз ерларда барпо этилган совхозимизга дуруст ёрдам бердилар. Масалан, деҳқончилик институтининг ходимлари янгича суғориш технологиясини таклиф қилдилар. Ҳозир биз ерлар шўрини айни шу тавсияларга мувофиқ юваяпмиз. Бу метод сувни тежаб сарфлашга имкон бериб, гектар бошига олинадиган пахтани яна 8—10 центнер кўпайтиради. Биздаги энг яхши коллективлар гектар бошига 40 центнер ва ундан кўп пахта олмоқда. Бу ютуқлар тупроқшунослар, агрохимиклар, гидромелиораторларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасидир.

Г. ПУРБОНОВ,
Туркманистон ССР қишлоқ хўжалиги министри.

— Пахта етиштириш — Туркманистон қишлоқ меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. КПСС XXVI съездининг қарорларида қишлоқ меҳнаткашлари олдига ўртача йиллик пахтани 1210—1230 минг тоннага етказишни таъминлаш вазифаси қўйилган. Аммо беш йилликнинг биринчи йилининг ноқулай оби ҳаво шароитлари ишни мушкуллаштирди, топшириқ бажарилмай қолди. Аммо бу сабоқ бекорга кетмади.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қишлоқ хўжалигидаги ишларни иқлим ноқулайликларига эпчиллик билан мослашни қатъий равишда тавсия этганди. Республиканинг деҳқонлари ана шу тавсияларга мувофиқ бир мунча истиқболли навларни танлаб олдилар, ер, сув ва ўғитдан самарали фойдалана бошладилар.

Ипак пахта Туркманистоннинг фахридир. Бизда бошқа республикалардан фарқли ўлароқ фақат биринчи (олий) тип тола берадиган навлар етиштириладики, тўқимачилик саноати бунга айниқса эҳтиёж сезади. Бу йил Қорақум канали зонасидаги бўш ерларни ўзлаштириш ҳамда ўртача толали пахтазорларни камайтириш ҳисобига ипак пахта майдонлари кенгайтирилди.

Ипак пахта етиштирадиган зона Қорақум каналидан жануб-ғарб сари планли равишда жилиб бормоқда. Пахтани «оқ олтин» дейишади. У олий пробадаги олтиндир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Туркманистон майдони 488 минг квадрат километр. У Шарқдан Ғарбга, Амударё соҳилларидан Каспийгача 1100 километр, шимолдан жанубга 650 километр чўзилиб кетган.

* * *

Туркманистон ССР аҳолиси 1982 йил бошларида 2 миллион 972 минг киши бўлди. Республикада 15 шаҳар ва шаҳар типидаги 74 посёлка бор. Энг катта шаҳар — Туркманистон пойтахти Ашхободда 325 мингдан кўп киши яшайди.

* * *

Ҳозирги вақтда Туркманистон саноати уч кунда ишлаб чиқараётган маҳсулот бундан 60 йил аввалги бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан кўпдир.

* * *

Совет ҳокимияти йилларида республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 10 баравар кўпайди.

* * *

Туркманистонда суғориладиган ерлар майдони 60 йил мобайнида 4,5 баравар кўпайиб, 985 минг гектарга етди. Шу вақт ичида пахта етиштириш 41 баравар ошиб миллион тоннадан ортиб кетди.

* * *

Революцияга қадар Закаспий территориясида атиги 13 касалхона бўлиб, уларда 70 врач ишлаган. Бугунги кунда саккиз минг врач, 300 га яқин касалхона меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофаза қилмоқда. Совет ҳокимияти йилларида республикада ўртача умр кўриш икки баравардан зиёд узайиб, 76 ёшдан ортди.

* * *

Туркманистон туғилиш жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Республикада 19 мингга яқин аёл «Қаҳрамон она» унвонига эга.

* * *

Ўн биринчи беш йилликда Туркманистонда олти миллион квадрат метрга яқин уй-жой саҳни қурилади. Юз мингдан кўп оила уй-жой шароитларини яхшилаб олади. Беш йилликнинг биринчи йилида бир миллион квадрат метрдан кўп уй-жой ишга туширилди.

ЕР БАҒРИГА ҲУЖУМ

«Туркменгазпром» саноат бирлашмасининг бошлиғи В. Талдайнинг иш столидаги дисплей экрани хира нур сочмоқда. Виктор Андреевич суҳбатлашиб ўтирар экан, блокнот варақлаб, ахборотлар йиғилган қалин папкаларни титкиламайди — клавиша босилиши билан керакли жадвал «электрон машина хотирасидан бир лаҳзада чиқариб олинади. Ҳозирги замон фан-техникасига хос белги бу

— Шу кунлардаги газ хўжалигини электроникасиз тасаввур этиб бўлмайди, дейди В. Талдай. — Автоматика ва телемеханизация — ўн биринчи беш йилликда тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Биз Буердешик конини автоматлаштириш билан ҳамма участкаларда газнинг босими ва температурасини марказлашган ҳолда контроль қилишга асосан ўтиб бўлдик. Ҳозир бирлашмада иккита ахборот-ҳисоб маркази ишлаб турибди. Юзтадан кўп технологик, иқтисодий ва бошқа вазифалар электрон-ҳисоб машинасининг ёрдами билан ҳал этилмоқда. Хуллас ягона автомат бошқариш системаси яратиладиган кун ҳам узоқ эмас.

— Йил бошидан бери, дейди бирлашма бошлиғи, «Туркменгазпром» планга қўшимча 300 миллион кубметр газ берди. Конларда меҳнат гайрати баланд, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақа кучга тўлиб бормоқда ва биз аминмизки, шу улуғ санагача Туркманистон газчиларининг пландан ташқари ҳисоби 650 миллион кубметргача етади.

Газ қазиб чиқаришни интенсивлаш, қазилаётган конлардан энг кўп даражада хом ашё олишни узайтириш, янги конларни, шу жумладан Ўрта Осиёда энг катта — Давлетобод конини тез ўзлаштириш билан қўшиб олиб бораяпмиз. Беш йиллик охиригача, газ қазиб олинадиган янги комплекс ҳиссасини 22 миллиард кубметргача етказиш мўлжалланмоқда. Бу коннинг роли шунинг учун ҳам муҳимки, янги коннинг запаслари ҳозир Туркманистон газининг ярми қазиб олинаётган Шотликдаги газнинг табиий камайиб боришини аста-секин тобора актив тўлдириб бориши керак.

Ер бағрининг разведкачилари Давлетобод «хазинаси»нинг бойликларига етгунча беш йил ер қазидилар ва уларнинг қилган меҳнатлари зое кетмади: бу кондаги газ запаслари Шотлик конида бўлган газ запасларидан бир неча баравар кўпдир. Ҳозир Давлетободда олтита газ олиш қудуғи қуриб битказилди ва яна саккизтаси қазилмоқда. Тажрибали мастер А. Магомедовнинг бригадаси айниқса, муваффақиятли ишлади. Бу бригада қудуқни шу майдон учун рекорд тезликда — ҳар бир станокда бир ойда 753 метрга етказиб қазиди.

Туркманистон ер бағрининг бойлиги — кўп миллатли совет халқининг мулки бўлиб, уни ўзлаштиришда аслида бутун мамлакат ёрдам бераяпти. КПСС XXVI съездининг қарорида белгиланган масъулиятли марра беш йиллик охиригача республикада қазиб чиқазиладиган газни 81—83 миллиард кубметргача етказиш вазифаси бажарилади, деб ваъда берамиз.

Ушбу саҳифа ТАСС ва АПН мухбирларининг материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ ТАРИХИ ИНСТИТУТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

СССР 60 йил

КАТТА ЙЎЛ БОСҚИЧЛАРИ

СССРнинг 60 йиллиги арафасида бепоён Ватанимизнинг барча миллатлари ва элатлари босиб ўтилган йўлга якун ясамоқдалар. Бу давр ичида ленинча миллий сиёсат улкан ғалабаларга эришди, социал-иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида революцион ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистонда партия тарихи илми қарор топганлиги ва ривожланганлиги партиянинг миллий сиёсати амалга оширилганлигининг бевосита натижаларидан биридир. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленин и з м институти филиалининг 60 йиллиги ССР Иттифоқининг 60 йиллиги билан бир вақтга тўғри келганлиги тасодифий ҳол эмас.

Республикам и з д а партия тарихи илмининг шаклланиши кўп миллатли социалистик давлатимизнинг асосчиси В. И. Ленининг номи билан боғлиқдир. 1921 йил 20 сентябрда РСФСР ХКСнинг Истпарт — Октябрь революцияси ва Коммунистик партия тарихига доир материалларни тўплаш ва ўрганиш комиссияси ташкил қилиш тўғрисида Владимир Ильич имзо чеккан қарори эълон қилинди. Бу Истпарт Туркистонда таниқли партия-совет ходимлари — С. Д. Муравейский, Д. И. Манжара, Н. Тўрақуловнинг фаол иштирокида Туркистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида 1922 йил қузида тузилди. Институт тузилганидан кейинги дастлабки кунлардан бошлабоқ Октябрь революцияси ва ўрта Осиёдаги Коммунистик ҳаракат тарихига доир ҳужжатларни тўплашга ва уларни сақлашни таъминлашга киришди. ТКП ўлка комитетининг архиви, Тошкент ва Сирдарё партия комитетларининг архивлари, фотографиялар, варақлар, ва нолегал адабиёт, Туркистондаги, Бухоро ва Хива хонликларидаги революциялар қатнашчиларининг хотиралари ташкил этилаётган партия архивининг асоси бўлди.

Шу билан бирга илмий-тадқиқот ишига ҳам асос солинди. Унинг асосий йўналишлари кундалик ҳаёт практикаси билан белгиланди. Партиянинг 20-йилларда бўлиб ўтган съездлари ва Марказий Комитет Пленумлари Совет Шарқидаги социалистик қурилишнинг илмий жиҳатдан асосланган программасини ишлаб чиқди. Индустриаллаштириш, ер-сув ислоҳоти, маданий революция масалалари ва бошқа масалалар партия чақириғи билан эски дунёни емириш ва янги дунё барпо қилишга отланган минглаб кишиларни қизиқтирар эди. Янги, социалистик турмуш тарзини шакллантириш жараёнида партиянинг ғоялари ва планларини Совет Шарқининг специфик шароитларида қандай амалга ошириш, патриархал-феодал сарқитларга қарши курашда қайси социал қатламларга суяниш кераклиги умумий ва алоҳида, миллий ва интернационаллик қандай нисбатда бўлиши кераклиги ва шу каби бошқа амалий масалалар партия ва совет ходимлари ҳал қилиши лозим бўлган мавзудир. Худди ана шулар орасидан партия тарихи бўйича дастлабки — олимлар етишиб чиқдилар. И. А. Зеленский, А. Икромов, Ф. Хўжаев, С. Д. Муравейский, Т. Рисқулов, И. Финкельштейн ва бошқалар бу соҳадаги илк мақолаларнинг авторлари бўлдилар; уларнинг бу мақолаларида давр-нинг актуал масалалари кўтариб чиқилди. Улар яратган тадқиқотларнинг қўлами кенг: 1916 йил қўзғолони тарихига доир асарлар, туб аҳолининг Туркистон, Бухоро ва Хивадаги революцион ҳаракатдаги иштироки масалаларига оид мақолалар, жадидизмнинг сиёсий йўналиши тўғрисидаги масалалар, Туркистонда большевизмнинг тарихига оид дастлабки тадқиқотлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. 20-йилларда партия тажрибаси тарихини назарий жиҳатдан тушуниб етмоқчи бўлган авторлар хатоларидан ҳоли бўла олмади. Бундай бўлиши табиий эди, чунки улар бу ишни биринчи бўлиб бошлаган эдилар. Лекин бугун биз уларни партия тарихи фанининг назариётчилари деб биламиз. Улар жуда муҳим проблемаларни кўтариб чиққан эдиларки, бу масалаларни ишлаб чиқиш келгуси йилларда тугалланди.

Истпарт ташкилий жиҳатдан бир неча марта қайта ташкил этилгандан кейин илмий-тадқиқот институти даражасига кўтарилди. 30-йилларда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети марксизм-ленин и з м классикларининг асарларини тайёрлаш ва чоп этишга оид бутун ишни Институт доирасида тўплашга қарор қилганлиги сабабли Институтнинг республикадаги етакчи идеологик муассаса сифатидаги роли ортди. 1938—1940 йилларнинг ўзидагина илмий коммунизм асосчиларининг 140 номдаги асарлари нашр қилинди, кўпгина асарлар ўзбек тилида биринчи марта чоп этилди.

Совет халқи ривожланган социализм босқичида экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта-катта ютуқларни қўлга киритди. Партия съездлари, КПСС Марказий Комитетининг тарих фани ташкилий негизларини ўзгартиришга доир қарорлари ленинча назарий мероснинг, партия архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг олимлар томонидан ўрганилиши, юқори малакали кадрлар тайёрланганлиги — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда партия тарихи фанининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди.

Партия органларининг кўрсатмасига мувофиқ, Институт ҳузурида илмий-тадқиқот ишларини координация қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш маркази тузилди. Институт Ўзбекистонда илмий ишларни планлаштиришни ва ташкил қилишни такомиллаштириш юзасидан ўз фаолиятини авж олдириб юборди. КПСС тарихи кафедраларининг вакиллари билан биргаликда перспектив планлар қайта кўриб чиқилди, олий ўқув юртларининг тарихчиларига консультатив-методик ёрдам бериш яхшиланди. Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси партия тарихига оид Институт ҳузурида тадқиқотлар тематикасини кенгайтиришга ёрдам берди. Партия тарихини ўрганиш соҳасидаги асосий иш урушдан илгариги даврдан ҳозирги даврга, социалистик ва коммунистик қурилиш назарияси ва практикасини ўрганишга, коммунизм моддий-техника базасини барпо қилиш соҳасида партия ва халқ қўлга киритган ютуқларни кўрсатишга, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришга, янги инсонни тарбиялашга қўчирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти илмий ишларни координация қилувчи марказ сифатида бир қанча ижодий коллективлар тузди, институт олимлари билан КПСС тарихи кафедраларининг олимларини партия тарихи соҳасидаги катта-катта проблемаларни ишлаб чиқиш борасида бирлаштирди. Натижада коллектив асарлар ёзиш майли кучайди. Кейинги 60 йил мобайнида партия қурилиши ва партия тарихига оид 200 дан ортиқ оригинал тадқиқот ишлари тайёрланди ва эълон қилинди. Босилиб чиққан мақолаларнинг умумий ҳажми 3400 га яқин босма листни ташкил қилади. Институтнинг умумлаштирувчи монографияларини тайёрлашга қуйидаги ўртоқлар муносиб ҳисса қўшдилар: А. Ғ. Абдунабиев, М. Ғ. Ваҳобов, Е. В. Васильев, А. Ф. Водолазский, Л. В. Гентшке, Т. Ж. Жўраев, К. Е. Житов, О. Э. Эшонов, Б. В. Лунин, М. М. Мусаев, М. Ҳ. Назаров, В. Я. Непомнин, Р. А. Нуруллин, Х. Т. Турсунов, Э. Ю. Юсупов, М. Ҳ. Ҳакимов, Қ. Ҳ. Ҳасанов.

Марксизм-л е н и н и з м классикларининг асарларини, КПСС ҳужжатлари ва партия тарихига доир бошқа материалларни ўзбек тилига таржима қилишда ва эълон қилишда институтнинг хизмати катта. Ўзбек таржимачилиги мактабининг шаклланишига қуйидаги ўртоқлар катта ҳисса қўшдилар: Ш. Толибов, Р. К. Абдураҳмонов, Ж. Г. Бойбулатов, Л. М. Муродов, З. Аминов, Э. Б. Бадалов, Ғ. Н. Неъматов, А. Аюпов, Ҳ. Т. Солиҳов ва бошқалар. Институт ташкил қилинган вақтдан бери ўзбек тилида Маркс, Энгельс, Ленин асарларининг 600 дан ортиқ китоб ва тўпламлари, партия ҳужжатлари нашр қилинди, буларнинг умумий тиражи 11770 минг нусхадан ошиб кетди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Санъат тўғрисида», «Коммунистик партия Манифести», уч томлик «Танланган асарлар»и, Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» асари босилиб чиқди. 1980 йилда В. И. Ленининг 55 томлик Асарлар тўпламини нашр қилиш ишлари тугалланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг табрик хатида институт ходимларининг меҳнатини юксак қадрлади ҳамда В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг ўзбек тилида чоп этилиши республика ҳаётида катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа деб кўрсатди. Бу — Ленин назарий меросини кенг пропаганда қилиш тўғрисидаги КПСС қилаётган ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодасидир.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети май, ноябрь пленумлари совет ижтимоий фани ходимлари олдига янги вазифалар қўйди. Партия қарорлари биздан тадқиқот ишларининг методологик ва назарий савиясини оширишни, коммунистик қурилишни идеологик жиҳатдан ёритишга қаратилган проблемаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида сўзлаган катта нутқида таъкидланишича, партия ғоялари, режалари, даъватлари омманинг қалби ва онгидан жой олган тақдирдагина моддий куч бўлиб қолади.

Бу сўзларда биз ўзимиз учун ҳаракатнинг конкрет программасини кўрамиз, бу эса Ленин васиятларининг ҳаётий ривожидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленумининг қарорларида партия тарихи ходимлари олдида турган вазифалар конкретлаштириб берилган. Қабул қилинган қарорда пленум қуйидагиларни қайд қилади. «Ижтимоий фан арбоблари марксизм-ленин и з м нинг актуал проблемаларини, коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш йўллари ва воситалари, меҳнаткашларнинг профессионал, маънавий ва сиёсий маданиятини оширишлари, уларни ватанпарварлик ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашнинг актуал проблемаларини ишлаб чиқишни қучайтиришлари лозим». Тарихчи олимларимиз партия олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажаришларига ҳеч шубҳа йўқ.

В. ЧЕБОТАРЕВА,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори.

ЧИМЁН ЧОРЛАЙДИ

РЕПОРТАЖ

Чимёнда қишки спотр-соғломла ш т и риш мавсумининг тантанали очилиши маросими бўлди.

Тоғда қишки дам олиш мавсумининг бошланиши ҳақиқий байрам бўлди. Ташкилотчилар жуда кўп ишларни амалга оширишди. Чимён хилма-хил байроқлар ва транспарантлар билан безанган. Дам олувчиларнинг ҳузурига Қорбобо ва Қорқиз меҳмон бўлиб келишиб, қишки мавсумнинг бошланганлигини эълон қилишди. Спортнинг бир неча турлари бўйича турнирлар ўтказилди. Шаҳардаги бадиий ҳаваскорлик коллективлари концерт беришди.

СУРАТДА: Чимёнда қишки мавсумнинг очилиш байрами тасвирланган.

В. Портнов
фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» СПОРТ АНКЕТАСИ

Йилнинг энг яхши спортчиси ким?

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг спорт бўлимлари авторлар активининг ташаббусига биноан Ўзбекистоннинг шу йилги энг яхши спортчисини аниқлаш мақсадида анкета ўтказишга аҳд қилдилар. Йилнинг энг яхши спортчиси ким, республикамиз спорт байроғини муносиб кўтариб борган, Европа ва Жаҳон чемпионатларида, Бутуниттифоқ ва Халқаро турнирларда Ўзбекистон шуҳратини оширган ким?

Биз спорт журналистлари, физкультура ва спорт мутахассислари, барча газетхонларни конкурсга таклиф этамиз. Анкетамизни қирқиб олиб, унга ўзбекистонлик энг яхши ўн спортчининг исми ва фамилиясини ёзиб, редакцияга жўнатишингизни илтимос қиламиз. Энг кўп очко тўплаган спортчи йил охирида республиканинг энг яхши спортчиси деб эълон қилинади.

Бизнинг адресимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси 41, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига.

Конвертнинг устига: «Ўзбекистоннинг шу йилги энг яхши спортчиси конкурсига» деб ёзиб қўйишни унутманг.

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____

ҲУРМАТЛИ СПОРТ МУХЛИСЛАРИ, ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

Фанимиз кишилари

ФИДОЙИ ТИЛШУНОС

Орзу-умид инсонга қанот бағишлайди, ирода ва интилиш умидни амалга оширади. Камтарин инсон, фидойи олим Саидфозил Акобиров эзгу меҳнатидан, пўлатдек иродасидан бахт топди.

Ўрта мактабни тугатиб, Тошкентдаги ўзбек билим юртида таълим олгач, Москвадаги авто-трактор институтига ўқишга кирди, бир йилдан сўнг Қизил Армиянинг моторлаштириш ва механизациялаштириш Ҳарбий Академиясига ўтиб, 1936 йилда уни муваффақиятли тугатди.

Улуғ Ватан уруши йилларида С. Акобиров 180-автобатальонда взвод ва рота командири бўлиб хизмат қилди. Урушдан сўнг масъул вазифаларда, техникум ва институтларда ишлади. 1949 йилдан бошлаб у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ишлаяпти.

Саидфозил Акобиров филология соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1968 йилда «Икки тилли луғатларда терминологиянинг лексикографик тавсифи» деган темада кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Республикамизда биринчи марта яратилган беш томлик «Русча-ўзбекча луғат» (1950—1955). Москвада босилиб чиққан бир томлик «Русча-ўзбекча» (1954) ва «Ўзбекча-русча» (1959 йил) луғатларни яратишга салмоқли ҳисса қўшди.

Олимнинг таҳрири остида турли фан соҳаларига оид бир қанча терминологик луғатлар нашр этилган. Ўзбек социалистик миллатининг кўзгуси бўлмиш икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 1981 йилда Москвада нашр қилинди. Бу луғатда ҳам С. Акобировнинг ҳиссаси катта бўлди. Яқинда ўзбек луғатчилари икки томлик (300 босма листдан ортиқроқ) «Русча-ўзбекча луғат»ни нашрга топширдилар. Бу асар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. С. Акобиров унда асосий авторлардан ҳисобланиши билан бирга, I томнинг махсус муҳаррири ҳамдир.

Коммунист олим, заҳматкаш луғатшунос Саидфозил Акобиров 70 ёшга тўлди. Илм-фан, маданиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган камтарин олимга сиҳат-саломатлик, луғатчилик соҳасидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. ЮСУФХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

• ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎҚИМАЧИЛАР УЧУН МАШИНА

Такомиллаштирилган калава ўраш машинаси ишлаб чиқаришга нетадиган деталлар рўйхатидан 52 хили ўчириб ташланди. Лекин бундай қилишдан аввал Тошкент тўқимачилик машиналари махсус конструкторлик бюросининг конструкторлари анчамунча иш бажаришларига тўғри келди, натижада шу техникани унификация этиш даражаси 75 процентга етди. Бу нарса янги техникани ўзлаштиришни арзонлаштиради ва енгиллаштиради.

Такомиллаштирилган калава ўраш машинаси синтетик ипдан узунроқ калава ўрашга мўлжалланган, бинобарин, у анча унумлидир. Унда илк бор самарали тортадиган прибордан фойдаланилдики, бу ип узилишини камайтирди, калава сифатини яхшилади. Бундан ташқари ўраш тезлигини ошириш ҳам мумкин бўлиб қолди.

Янгилик Чайковский шойи газламалар комбинатида давлат синовидан муваффақиятли ўтди. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра янги машина иш унумини 20 процент оширади. Машина-ускуналарнинг бекор туришини камайтиради, ремонтини енгиллаштиради. «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси бу машинани кўплаб ишлаб чиқарадиган бўлди. Келаси йилиёқ тўқимачилар ана шу машиналардан ола бошлайдилар. Ҳар битта шу машина йилига 16 минг сўм миқдорида иқтисодий самара беради.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ҚЎРИҚ МАССИВДА БОҒ БАРПО ЭТИЛДИ

Навоий областидаги қўриқ «Комсомолобод» совхозида бунёд этилган мевали боғ «ССРнинг 60 йиллиги» деб аталди. 20 гектар майдонга олма, олча, ўрик, нок кўчатлари ўтказилди. Янги хўжалик — юбилей йилида ўртачўл массивида тузилган тўққиз хўжаликдан биридир.

ДАШТДАГИ ЎРМОНЛАР ҲОСИЛИ

Ўзбекистоннинг жанубидаги Каттақум саҳросида саксовул уруғини тўплаш ишлари тугалланди. Бу йилги ҳосил ўрмончиларни қувонтирди: салкам беш тонна уруғ тайёрланди. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Келгуси йилнинг кўкламида 1200 гектар майдонга қумларни мустаҳкамлайдиган қимматли экин экиш режалаштирилмоқда. Ана шу майдоннинг ҳаммаси ҳозирдаёқ ҳайдаб қўйилди. Шу кунларда Термиз ўрмон хўжалигининг ходимлари уруғни тозалашга киришдилар.

КИМ ЯХШИ ВА ТЕЗРОҚ ҚУРАДИ

Фарғона трестининг ғишт терувчилари Умирзоқ Ўтанов ва Раҳмонали Исламов, Андижон трестининг сувоқчилари Нуъмон Бобоғозиев ва Иброҳим Ортиқовлар «Узколхозстрой» системасида республика конкурси якунлари бўйича энг яхши қишлоқ қурувчиси номига сазовор бўлдилар. Қурувчилар мусобақаси Олтинкўл районидаги «Биринчи Май», «Коммуна» колхозларининг посёлкаларида ўтказилди. Конкурс қатнашчилари ғиштни тез ва сифатли териш, биноларни пардозлаш соҳасида маҳорат кўрсатдилар. Ғолибларга дипломлар топширилди, енгил автомашиналар ажратилди.

ТЕЖАМКОРЛАР РАПОРТИ

«Бухоройрсо и х о з-строй» трестининг меҳнатчилари йил бошидан буён бир юз эллик тонна цемент, кўплаб ёғоч-тахта тежадилар. Шу тариқа улар ўз мажбуриятининг муҳим бандини бажардилар. «Ҳар куни, ҳар бир иш жойида тежайлик», деган шиор остидаги мусобақа ана шу кўп минг кишилик коллектив меҳнатчилари учун норма бўлиб қолди. Бу ерда моддий ресурслардан оқилона фойдаланилмоқда, уларни эҳтиёт қилиб сақлашга эришилмоқда.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ГАЗ ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР»

Газетамизнинг 1982 йил 8 декабрь сонида шу сарлавҳа остида босилган материалда газдан фойдаланиш соҳасида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар очиб ташланиб, «зангори ёқилғи»дан исрофгарчилик билан фойдаланаётган айбдорлар конкрет кўрсатиб ўтилган эди. Газета ана шу танқидий материал юзасидан Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раиси Ғ. Абдурасуловдан жавоб олди.

«Халқ депутатлари Акмал Икромов район ижроия комитети маълум қиладики, дейилади жавобда, Мирхонд кўчасидаги 2-уйда яшовчи А. Ҳасановнинг теплицани иситиш учун газдан ғайри қонуний фойдаланганлиги факти тасдиқланди, унга нисбатан қатъий маъмурий чора кўрилди. Ҳовлидаги газ тармоғи олиб ташланди.

Газ ва электр энергиясидан тежамли фойдаланиш мақсадида Акмал Икромов район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг 1982 йил 29 ноябрдаги 687/23-қарорига асосан 17 кишидан иборат штаб тузилди ва газ, иссиқлик, электр энергиясидан узлуксиз ҳамда тежамли фойдаланишни назорат қилиш бўйича комиссия плани ишлаб чиқилди. **Штаб аъзолари ҳар кунги ўз йиғилишида (?!) ана шу масала юзасидан аҳволни кўриб чиқиб, муҳокама этишмоқда.**

Район бўйича маҳаллаларда газдан тежамли фойдаланишни текшириш бўйича 29 группа тузилди. Группалар составига район Совети ижроия комитетининг масъул ходимлари, маҳалла комитетлари раислари, участка инспекторлари ва активлар киритилган. Группалар ҳар куни газдан исрофгарчилик билан фойдаланиш бўйича келаётган фактларни кўриб чиқишмоқда. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш ва газдан фойдаланиш қоидаларини тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда».

РЕДАКЦИЯДАН: Жавобдан кўриниб турибдики, Акмал Икромов районида 29 ноябрда газ, иссиқлик, электр энергиясидан тежамли фойдаланишни назорат қилиш бўйича штаб тузилган. Хўш, штаб иши қандай натижалар бермоқда! Жавобдан бизга маълумки, ҳали штаб олиб бораётган ишларнинг самараси маълум эмас. Чунки жавобда «зангори ёқилғи»дан ғайри қонуний фойдаланиш очиб ташланган ва муҳокама этишга арзирли бирор конкрет факт келтирилганн йўқ. «Газ йўлидаги ғовлар» мақоласида эса А. Ҳасанов ва унга ўхшаганлар ўз теплицаларига табиий газ тармоғини улаб, қўшниларини бутунлай унутишгани, жамоат манфаатлари билан ҳисоблашмаётганликлари, бунинг натижасида эса газ етишмаслиги туфайли айрим уйларда иситиш тармоғи ишламасдан аҳоли совуқда қийналаётганлиги айтиб ўтилган эди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир тартиббузар бошқалар ҳисобигагина ўз имкониятларини кенгайтирганлиги, газдан исрофгарчилик билан фойдаланганлиги очиқ-равшан кўриниб турибди. Бундай фактлар эса оз эмас.

Газетада босилган танқидий фактларга район Совети ижроия комитетининг муносабатига келсак, бу борада ҳам кўпгина ноаниқлик мавжуд. Биринчидан А. Ҳасановга нисбатан қандай маъмурий чоралар кўрилган! Иккинчидан ушбу факт қандай қилиб район Совети ижроия комитети ва маҳаллаларда газдан тежамли фойдаланиш бўйича тузилган 29 группа эътиборидан четда қолди! Бизнингча, Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раиси Ғ. Абдурасуловнинг жавоби шунчаки номига йўлланган чучмал жавобдан бошқа нарса эмас. Ушбу масала юзасидан зарур даражадаги масъулият ва принципиаллик билан иш кўрилмаётганга ўхшайди.

Штаб иши конкретлаштирилмаса, айбдорларга нисбатан жиддий чоралар кўрилмаса штаб йиғилишларидан ҳеч қандай натижа чиқмаслиги турган гап. Сўзсиз, газдан тежамли фойдаланиш бўйича тузилган группаларни табриклаш керак. Аммо улар фақат нуқсонларнигина эътироф этиб қолмасдан, текширишларни мақсадга мувофиқ ва изчил ўтказишлари, ёнилғи ва энергетика ресурсларидан ғайриқонуний фойдаланиш бўйича ҳар бир ҳаракатни бартараф этишлари лозим.

Жавобдан маълум бўлишича, ҳозирча Акмал Икромов районидаги ўнлаб комиссиялар ишидан конкрет самаралар кўзга ташланмаяпти. Турли штаблар ва комиссиялар «ҳар куни йиғилиш ўтказаётганлиги» билан газ ҳам, иссиқлик ҳам кўпайиб қолмайди!

Жавоблар шундан гувоҳлик берадики, ҳали газ йўлидаги ғовлар олиб ташланмаган. Газдан тежамли фойдаланиш бўйича турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун фақат «зангори ёқилғи» йўлидаги ғовларгина олиб ташланмасдан, кўзбўямачилик билан юборилаётган сохта, чучмал жавобларга ҳам чек қўйиш зарур! Чунки шу кунларда редакциямизга келаётган хатлардан маълум бўлишича, ҳали бу районда Ҳасановга ўхшаб «газ йўлига ғов ташлаган» қоидабузарлар кам эмас!

Редакция «Газ йўлидаги ғовлар» мақоласи юзасидан Ҳамза, Чилонзор, Фрунзе ва Ленин райони ижроия комитетлари раҳбарларидан ҳам конкрет ва амалий жавоб кутади!

Сохта жавоб учун жазоландилар

Газетамизда «Сохта жавоб... олинди» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда, жумладан, «Дўстлик» меҳмонхонаси қошидаги авиабилетларни олдиндан сотиш бўйича кассир Т. Сивкова аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш қоидаларини бузганлиги, шикоят дафтарини беришдан бош тортганлиги, «Сервис» агентлиги бошлиғи А. Саркисян сохта жавоб бериш билан шуғулланиб, қоидабузарларга бепарволик билан қараши ҳақида гап борган эди.

Редакция аҳолига транспорт-экспедиция хизматн кўрсатиш бошқармаси— «Ўзтрансэкспедиция» бошлиғи В. Першхайло имзоси қўйилган жавоб олди. Унда газета мақоласида келтирилган фактлар текшириш пайтида тасдиқланганлиги хабар қилинади. Авиакассир Т. Сивкова шикоят дафтарини бермай, хизмат кўрсатиш қоидалари ва мавжуд инструкцияни кўпол равишда бузган. «Сервис» агентлиги бошлиғи А. Саркисян шикоятни принципиал кўриб чиқиш ва қабул пунктлари ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш ўрнига расмиятчиликка йўл қўйган.

«Сохта жавоб... олинди» мақоласи «Ўзтрансэкспедиция» бошқармаси советининг мажлисида муҳокама этилди, «Сервис» агентлиги қабул пунктлари ва область бирлашмаларининг ишини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мавжуд инструкция ва аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш қоидаларини бузганлиги учун кассир Т. Сивкова вазифасидан четлаштирилди. «Сервис» агентлиги бошлиғи А. Саркисян шикоятни юзаки кўриб чиққанлиги ва расмиятчиликка йўл қўйганлиги учун бошқарма бўйича чиқарилган буйруқ билан жиддий огоҳлантирилди.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

14 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XII да **Абу Али ибн Сино**, 15/XII да **Бой ила хизматчи** (14.00). МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XII да **Кулги ва шодлик кечаси** (15.00 ва 19.000).

КИНО

14 ДЕКАБРЬ
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН — 82» — **Ғ. Ғулом номли.**
«ОЛИМПИАДА АЙИҒИ НЕГА ЙИҒЛАДИ?» — **Ғунча.**
«СССРДА СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ ТУРЛАРИ» — **С. Раҳимов номли.**
«БОЛАЛИК УЙИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«Л. И. БРЕЖНЕВ ЎЗБЕКИСТОНДА» — **Қозоғистон.**
«ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА МОЛИК ИШ» — **Искра.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЖАҲАННАМ» — **Санъат саройи** (19.45, телефон 44-21-74).
«ҚУРБОН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).
«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«САДОҚАТГА СОТҚИНЛИК» — **Қозоғистон** (18, 20.00).
«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
15 ДЕКАБРЬ
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН — 82» — **Ғ. Ғулом номли.**
«ОЛИМПИАДА АЙИҒИ НЕГА ЙИҒЛАДИ?» — **Ғунча.**
«СССРДА СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ ТУРЛАРИ» — **С. Раҳимов номли.**
«БОЛАЛИК УЙИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«Л. И. БРЕЖНЕВ ЎЗБЕКИСТОНДА» — **Қозоғистон.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЖАҲАННАМ» — **Санъат саройи** (11, 13.45, 16.30, 19.45, телефон 44-21-74).
«ҚУРБОН» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).
«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«САДОҚАТГА СОТҚИНЛИК» — (12, 15, 18, 20.00).
«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1—10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«СЕҲРЛИ КЎЛ»

ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР СОАТ 10, 12, 14.00да БОШЛАНАДИ.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ИНТЕРНАТЛАР, МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ВА БОЛАЛАР УЙЛАРИГА БИЛЕТЛАР ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

46-03-12, 46-70-31, 55-62-27, 55-65-22 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ

13-«БУКИНИСТ» (Навоий кўчаси, 16-уй) ва 9-КИТОБ МАГАЗИН (Новомосковская кўчаси, 31-уй)ЛАРИДА

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ» **сериясидаги китобларнинг**

ТЎЛА КОМПЛЕКТИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР мебель саноати министрлигининг

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА

БОЙ АССОРТИМЕНТДА ҚЎЙИДАГИЛАР САВДОГА ҚЎЙИЛГАН: **меҳмонхона мебели набори, бир ўринли кроватлар, тахталар, креслолар, диван-кроватлар, сервантлар, кўйлак ва кийим шкафлари, ёзув ва ошхона столлари, стуллар, пойафзал тумбалари, вешалкалар, трюмо, трельяжлар.**

МАГАЗИНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Адрес: 700093, Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Б—2, 41-уй (25, 28, 29-трамвайлар, 24, 60, 72, 51-автобусларнинг «Юнусобод колхози бозори» бекати).

КЎРКАМ ДАРПАРДАЛАР

Дарпардалар квартираларимиз чиройига-чирой қўшади. Аммо вақт ўтиши билан улар кир бўлади. Уларни ювиш керак. Буни қандай қилса бўлади? Хотин-қизлар дарпардаларни уй шароитида ювиш нақадар машаққатли эканлигини яхши билишади. Бунинг устига уларнинг ранги айниши, ёки киришиб кетиши мумкин.

АГАРДА СИЗ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛСАНГИЗ АНА ШУ ТАШВИШЛАРДАН ҚУТУЛАСИЗ.

Бу ерда дарпардаларга ишлов берилиб тозаланади, асли ҳолига келтирилади. Бунинг устига тўр ва газлама дарпардаларнинг ранги айнимайди. Ҳажми ҳам ўзгаришсиз қолади.

СИЗНИ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ КУТМОҚДА.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг ЎҚУВ ПУНКТИ

ҳавони кондиционлаштириш ва вентиляциялаш системалари монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш бўйича слесарь-вентиляциячиларни тайёрлайдиган

УЧ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17,5 ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 3Х4 см ҳажмидаги 3 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 17-алоқа бўлими, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, кадрлар бўлими.

«ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ

САНТЕХНИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН 1,5 ОЙЛИК ВА КЕНГ ИХТИСОСЛИ ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3.5 ОЙЛИК

ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия тўланади.

Курсларни битирган ёлғиз кишилар ва бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Трест ишчилари навбат асосида квартира билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, 1-Радиальний проезди, 12«а» уй. (10, 23, 27-трамвайлар; 10, 48, 56, 88, 107, 125-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати). 3-монтаж бошқармаси.

ОЛТИН ҲАМИША ОЛТИНДИР...

УНИНГ ГЎЗАЛЛИК ВА АСЛЛИКДАГИ ТЕНГИ ЙЎҚ

Олтинни ҳар қандай шароитларда ҳам ўзининг қуёшдек чарақлаб турувчи ялтироқлиги ва рангини йўқотмаслиги учун севишади. Олтин ҳавода ҳам, сувда ҳам ялтироқлиги ва рангини тўкмайди, кислоталарда, ишқорда эримайди. Ана шу фазилатлари туфайли олтинни асл маъдан деб ҳисоблашади.

Олтиннинг ажойиб хусусиятлари бор: майинлик, эгилувчанлик, чўкичланиш хислатлари, гўзаллиги, мураккаб гулли, нақшли, ранг-баранг шаклли ва жимжима нақшли гўзал буюмларни яратиш имконини беради.

Заргарлик буюмларини безашда ранг-баранг асл қимматбаҳоли тошлардан фойдаланилади: олмос, ёқут, сапфир, ярим асллн: александрит, аквамарин, топаз тоши, гранат, тог биллури, ясама тошлар.

Турли даврларда турли тошлар ва улардан ранг-баранг ясалган зийнат буюмларига юксак баҳо берилган. XVI асрда, XVII асрнинг бошларида сапфир, зумрад, ёқут тошлари оммалашиб кетган. XVIII асрнинг бошларида заргарлик буюмларида олмослар ва қирраланган, силлиқланган тарашланган бриллиантлар етакчи ўринни эгаллади. Орадан асрлар ўта берди, олтин буюмлар эса расм-русумда қолаверди.

Ҳозирги пайтда барча ёшдаги хотин-қизлар, узук, зирак, тўғноғич, билакузук, занжирни ҳам севиб тақишади. Олтин буюмлар замонавий услубдаги либослар билан ҳамоҳанглашиб қўшимча безаклар ҳосил қилади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

ЗАРГАРЛИК МАЗАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Сиз бу магазинларда софлик миқдори 583 ва 375 бўлган олтин, софлик миқдори 916 ва 875 бўлган кумуш заргарлик буюмларининг катта туркумини кўздан кечирасиз ва сотиб оласиз:

никоҳ узуклари (сидирға);
гулдор узуклар (фасонли);
осмали ва осмасиз, тош ва қаҳрабо кўзли ранг-баранг шаклда ишланган зираклар;
ясама тошлар ва синтетик тошлардан ишланган шода маржон;
кумушдан ранг-баранг шаклда нозик пластинка шаклида тайёрланиб, нақшли эмаль, шунингдек чинни, фаянс, қаҳрабо, рангли тошлар билан безакланган, занжир билан узайтирилган кулонлар;
шода маржонлар (кулонли ва медальонли). Бу буюмлар мустақил безаклар ўрнини боса олади;
гарнитурлар (ягона бадиий услубда тайёрланган зеби-зийнатлар термаси) — узук, зирак, тўғноғичлар;
медальонлар (зийнат қутичалари) — турли шаклда ишланган бўлиб, ихчам занжирли;
Бурж нишонлари — хотин-қизлар учун аталган безакларнинг янги хили. Бу буюмлар олтин ва кумушдан тайёрланмоқда. Бурж Қўзи, Ой ва Ер курраси ҳаракати йўлида кўринарли жойлашган 12 юлдузнинг мажмуасидир. Ҳар бир нишон учун бадиий ишланган расмлар юлдузларнинг гўзал тасвирини намоён қилади. Бу юлдузлар ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадий, дев, хут деб аталади.



ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1-«Изумруд» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй.
2- «Рубин» — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
10- Октябрь бозори;
13- Навоий кўчаси, 1-уй.
14- Олой бозори;
17- Госпиталь бозори;
20- Муқимий кўчаси, 22-уй;
27- В. И. Ленин номли проспект, 40-уй;
36- Куйбишев кўчаси, 5-уй;
39- Чилонзор массиви, «Г» квартали, 9«а» уй;
41- Первомайск кўчаси, «Марказ-1» квартали;

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

УЙ БЕКАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сизнинг хонадонингизда балки эски ёки модадан чиқиб қолган буюмлар тўпланиб қолгандир: кофталар, кўйлаклар, жемперлар, пальтолар;

УЛАРНИ ТАШЛАБ ЮБОРИШГА ШОШИЛМАНГИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ АҲОЛИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

иккиламчи ип-газламали, жун аралашма ва жунли материаллардан тикилган эски буюмларни

ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛАДИ

Сиз иккиламчи тўқимачилик буюмларини қанчалик кўп топширсангиз, қоғозлар, рубероидлар, сунъий шойилар ва бошқа маҳсулотлар шунчалик кўплаб тайёрланишини биласизми?

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

Сиз топширилган иккиламчи буюмлар эвазига тасдиқланган прейскурант бўйича камёб молларни оласиз: чинни идишлар, косметика, кир ювиш порошоклари (чет эллардан келтирилган), биллур буюмлар, лезвия (чет эллардан келтирилган), фломастерлар, рангли қаламлар, консервалаш учун қопқоқлар, тўқимачилик-галантерея буюмлари.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;
2— Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи (38, 100«э», 76, 104, 120-автобусларнинг «Чиғатой дарвоза» бекати).
3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати).
4— «Ташавтомаш» массиви (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати).
5 —Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори).
6— Янгиобод массиви.
7—Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати).
8— Фарҳод ярмаркаси.
9— Зиё Саид кўчаси (8-трамвай, 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати).
10—1/3-Қорақамиш массиви (37, 56, 65«э», 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати).
11— 2/4 Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65«э»-автобусларнинг сўнгги бекати).
12— Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида).
13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 63-уй, 62-квартира.
14— Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 1-квартира.
15— Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй.
16— Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 23, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).
17— Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва» кафеси» бекати).
18— Спутник массиви, Марказ—3, 5-уй.
19— Ж. Обидова кўчаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати).
20— Олой бозори.
21— Чилонзор массиви, 20-квартал, С. Сегизбоев кўчаси (29, 50, 78-автобусларнинг «Д—19 квартали» бекати).
22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).
23— ТошМИ массиви (10, 28, 34-автобусларнинг сўнгги бекати).
24 — Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй.
25 — Бирлашган кўчаси, автостанция.
26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).
27—Юнусобод массиви, А—3.
28— Первомайск колхоз бозори.
29— Строительная кўчаси, 38-уй.
30— 1/4-Қорақамиш массиви (колхоз бозори).
31— 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази.
32—Луначарский шоссеси, 301-уй.
33— Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.
34 — Улуғбек посёлкаси, ядро физикаси институти.
35—У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
36— Октябрь массиви, Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати).
37— 2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-Қорасув» бекати).
38— Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй, 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар» магазини» бекати).
39—4-турар жой массиви, Шолохов кўчаси, 1«а»-квартали.
40— Чилонзор массиви, 14-квартал (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати).
41—Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси 1«а»-уй.
42 —1/2-Қорақамиш массиви.
43— Сергели массиви, Савдо маркази.
44—1-Сергели массиви.
45— 5-Атоий проезди, 6«а»-уй (8-трамвай, 64-автобуснинг «Чевар» бекати).
46— Юнусобод массиви СБ—4А микрорайони (60, 72-автобусларнинг сўнгги бекати).
47—Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй (9, 10, 8, 24-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).
48— Куйбишев шоссеси, 818-уй.
49— Павлов кўчаси, 10-уй (5, 12-автобуслар, 2, 5-трамвайларнинг «Вино заводи» бекати).
50 — Чимбой кўчаси (10, 28-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).
52— Шумилов шаҳарчаси.
53— «ТашГРЭС» микрорайони (19, 115-автобуслар, 10, 103-маршрутли таксиларнинг «САМПИ» бекати).

«ВТОРСИРЬЁ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

14 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мева-сабзавот хўжалиги министри Н. Т. Козлов иштирок этади. Кўрсатувни Марказий телевидениенинг сиёсий шарҳловчиси Л. А. Вознесенский олиб боради. 18.35 Хоккей бўйича халқаро учрашув. Швеция — СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.10) — «Дунё воқеалари». 20.00 «Жангга фақат «қариялар» бормоқда». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига «ЯГОНА ОИЛАДА». УКРАИНА ССР. Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. А. Титаренко сўзи. «Совет Украинаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Санъат усталари концерти. 00.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сиз бунга қодирсиз». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Советская культура» газетасининг соврини учун стол тенниси бўйича халқаро турнир. «Дружба» универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 22.50 Л. Толстой. «Уруш ва тинчлик». Романдан саҳифаларни СССР халқ артисти Д. Журавлёв ўқийди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун концерт. 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Партия ўқувининг самарадорлиги учун». Косон район партия комитети тажрибасидан. 19.00 Ф. Алиев ва М. Халилова куйлайди. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Ижод саҳифалари С. Бородин». Туғилган кунининг 80 йиллигига. (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Ленин йўлланмаси билан». Бадиий фильм (рус.). 23.45 Янгиликлар.

15 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Шахмат мактаби». Бошловчилар синфи. 18.30 «Қувноқ нотачалар». 18.45 «Беш йиллик. Одамлар ва ишлар». Уренгой-Ужгород газ қувури. Карпатлардаги мураккаб трасса. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Пачо бувисиникига боради». Мультфильм. 19.50 Пермь Давлат академик опера ва балет театри артистлари ҳамда Пермь хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти. 20.25 Экранда — кинокомедия. «Қадимий водевиль». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Буюк халқ ҳақиқати». «Визнинг уй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 К. Сенс-Санс. «Фантазия».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 «Спорт ҳафталиги». 20.20 «Қайноқ цех». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 3-концерт. 21.30 «Время». 22.05 Кремлнинг Съездлар саройида Украина санъат усталарининг концерти. 23.25 Оғир атлетика бўйича СССР кубоги. «Измайлово» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Қуёш аксиз». Мультфильм. 18.05 «Бошқариш мактаби ва хўжаликни юритиш мактаби» (рус.). 18.45 «Адабий альманах». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Телетомошабинларнинг саволларига жавоблар. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига». «Даврамизга марҳабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Тошкент области (давоми). 23.35 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги.

Тошкент шаҳар ижроия комитети кинолаштириш бошқармаси коллективи Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитетининг кинолаштириш бошқармаси бошлиғи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1944 йилдан КПСС аъзоси

Ислом Усмонович УСМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон социал таъминоти» журнали коллективи ва редакцион коллегияси журналнинг бош редактори А. Маннонова отаси

Абдуманнон РАШИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —32-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

14 ДЕКАБРЬ. 1982 й. Р—07554. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64690.